Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 102 (9088). • 1987 йил 30 май • шанба • Баҳоси 3 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВ Э. ХОНЕККЕР БИЛАН УЧРАШДИ

БЕРЛИН, 29 май. (ТАСС). 28 май куни бу ерда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг раиси Э. Хонеккер билан учрашди.

Суҳбат ҳозир иккала қардош партия иш олиб бораётган кўпгина масалаларга бағишланди.

Сиёсий, иқтисодий соҳаларда ва бошқа соҳалардаги икки томонлама ҳамкорлик масалалари 1986 йил апрелида Берлинда ва октябрида Москвада олий даражада ўтказилган учрашувлар чоғида эришилган аҳдномаларни рўёбга чиқариш нуқтаи назаридан кўриб чиқилди. Бир қанча соҳаларда, шу жумладан, СССР ва ГДРнинг корхоналари, бирлашмалари ва комбинатлари ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантиришда муайян силжишга эришилди. Шу билан бирга ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантиришга жўшқинлик баҳш этиш зарур, деб топилди, бу эса ишлаб чиқариш, фан ва техника соҳаларидаги кооперацияни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очади, иккала мамлакатда иқтисодий, социал ва маданий қурилишнинг йирик вазифаларини ҳал этишга ёрдам беради. Масалаларнинг бу комплекси яқин вақт ичида муфассал кўриб чиқилади, деб шартлашиб олинди.

Суҳбат чоғида СССР билан ГДРнинг ҳалқаро майдондаги ҳамкорлиги вазифалари муҳокама қилинди. Европада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ишида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг келишиб олинган ташқи сиёсий йўлини амалга ошириш борасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштиришнинг юксак даражасидан мамнуният изҳор этилди. Иккала мамлакатнинг манфаатларига тааллуқли масалалар юзасидан турли даражалардаги мунтазам маслаҳатлашувларнинг муҳимиги таъкидланди.

Суҳбат самимият руҳида ўтди.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий Маслаҳат Комитетининг кенгаши

БЕРЛИН, 28 май. (ТАСС) Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий Маслаҳат Комитетининг навбатдаги кенгаши бугун Германия Демократик Республикаси пойтахтида ўз ишини бошлади.

Кенгашда қуйидагилар қатнашмоқдалар:

Болгария Халқ Республикасидан — Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси, делегация бошлиғи Т. Живков; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Советининг Раиси Г. Атанасов; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси; БХР халқ мудофааси министри Т. Журов; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари М. Балев; БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР ташқи ишлар министри П. Младенов.

Венгрия Халқ Республикасидан — Венгрия Социалистик Ишчи партиясининг Бош секретари, делегация бошлиғи Я. Кадар; ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси Д. Лазар; ВСИП Марказий Комитетининг секретари М. Сюреш; ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР ташқи ишлар министри П. Варкони; ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР мудофаа министри Ф. Карпати;

Германия Демократик Республикасидан — Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси, делегация бошлиғи Э. Хонеккер; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси В. Штоф; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Г. Аксен; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, ГДР Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари Э. Кренц; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР миллий мудофаа министри Г. Кесслер; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, ГДР Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари Г. Миттаг; ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР ташқи ишлар министри О. Фишер;

Польша Халқ Республикасидан — Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Польша Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси, делегация бошлиғи В. Ярузельский, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси З. Месснер; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Ю. Чирек; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР ташқи ишлар министри М. Ожеховский; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР миллий мудофаа министри Ф. Свинцкий;

Руминия Социалистик Республикасидан— Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг Президенти, делегация бошлиғи Н. Чаушеску; РКП Марказий Комитети Сиёсий Ижроия комитетининг аъзоси, РСР ҳукуматининг Бош министри К. Дэскэлеску, РКП Марказий Комитети Сиёсий Ижроия комитети аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари И. Стоян; РКП Марказий Комитети Сиёсий Ижроия комитети аъзолигига кандидат, РСР миллий мудофаа министри В. Миля; РКП Марказий Комитетининг аъзоси, РСР ташқи ишлар министри И. Тоту; РСРнинг ГДРдаги элчиси Г. Каранфил;

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидан — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, делегация бошлиғи М. С. Горбачев; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси А. А. Громико; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри С. Л. Соколов; КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев;

Чехословакия Социалистик Республикасидан — Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикаси Президенти, делегация бошлиғи Г. Гусак; ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг раиси Л. Штроугал; ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари В. Биляк; ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари М. Якеш; ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР ташқи ишлар министри Б. Хнеупек; ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР миллий мудофаа министри М. Вацлавик;

Кенгаш ишида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Қуролли Кучларининг Бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов ва Сиёсий Маслаҳат Комитетининг Бош секретари, ГДР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Г. Кроликовский ҳам иштирок этмоқдалар.

Кенгашни Э. Хонеккер қисқача табрик нутқи сўзлаб очди.

Учта мажлис бўлиб, уларда СССР делегациясининг бошлиғи М. С. Горбачев, ЧССР делегациясининг бошлиғи Г. Гусак ва БХР делегациясининг бошлиғи Т. Живков навбати билан раислик қилдилар. М. С. Горбачев, В. Ярузельский, Я. Кадар, Н. Чаушеску, Т. Живков, Г. Гусак, Э. Хонеккер ўртоқлар нутқ сўзладилар.

Сиёсий Маслаҳат Комитетининг дўстлик ва ўртоқларча амалий ҳамкорлик вазиятида ўтаётган кенгашида Европадаги ва умуман жаҳондаги вазият, жумладан ядро урушининг олдини олиш, ядровий қуролсизланишнинг конкрет чора-тадбирларига ўтиш, Европада кескинликни юмшатиш, Умумевропа жараёнини ривожлантириш масалалари, милитаризм ҳамда зўравонликни инкор этувчи янгича сиёсий тафаккурни қарор топтириш асосида халқаро муносабатларни қайта қуриш учун кураш вазифалари кўриб чиқилмоқда.

Варшава Шартномаси доирасида ташқи сиёсат соҳасида бундан буёнги ҳамкорликни кучайтириш ҳамда биргаликдаги етилган ташқи сиёсий ҳаракатларни келишиб олиш масалалари ҳам муҳокама қилинмоқда.

Сиёсий Маслаҳат Комитетининг кенгаши эртага ўз ишини давом эттиради.



Председатель

СУРАТДА: Совет делегацияси кенгаш залида.

(ТАСС — ЎзТАГ телефотоси).

• ПИЛЛА—ДАВЛАТГА •

Ҳурмат ТАХТАСИ

Пилла етиштириш ва давлатга сотиш планини бажарганликлари учун қуйидагилар область «ҲУРМАТ ТАХТАСИ»га ёзиладилар.

БЕКОБОД РАЙОНИ БЎЙИЧА

«ПОБЕДА» КОЛХОЗИ (раиси Б. Ўтамов, партия ташкилотининг секретари Х. Турдибоев, касаба союз ташкилотининг раиси П. Рисбоев, комсомол ташкилотининг секретари К. Бойжигитов, пиллачилик бўйича агротехник Н. Худойқулов).

«ОКТЯБРЬ 46 ЙИЛЛИГИ» СОВХОЗИ (директори А. Туронов, партия ташкилотининг секретари Н. Каримов, касаба союз ташкилотининг раиси Р. Пак, комсомол ташкилотининг секретари З. Ҳамробоев, пиллачилик бўйича агротехник Р. Ўлмасов).

СОВХОЗ (директори И. Субанов, партия ташкилотининг секретари У. Умиров, касаба союз ташкилотининг раиси А. Ҳасанов, комсомол ташкилотининг секретари Н. Маматқулов, пиллачилик бўйича агротехник Э. Маматов).

А. МАВЛОНОВ НОМЛИ

ОИЛА АЪЗОЛАРИ БИЛАН

ОҚҚЎРҒОНЛИКЛАР Вотинцев номли колхоз пилладоқари Бувинисо Қаршибоеванинг номини алоҳида ҳурмат билан тилга олишади. У узоқ йиллар шу соҳада ҳалол ва фидокорона ишлаб, мўл ҳосил етиштиряпти.

Бувинисо опа бу йил оила аъзолари билан икки қути қурт уруғи боқди.

Айни кунларда дастлабки «кумуш тола» ҳосили топширилмоқда. Улар ялпи ҳосилни 140 килограммга етказиш учун бир жон бир тан бўлиб меҳнат қиляптилар.

М. ТОЖИБОЕВА.

НАТИЖАЛАР САЛМОҚЛИ

БЕКОБОД райони пилладорлари 3700 қути ипак қуртини парваришлаб, 208 тонна саноат хом ашёси етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Айниқса, райондаги «Победа» колхози меҳнаткашлари бу мавсумда баракали меҳнат қилдилар. Жумладан, Заргул Оқмусаева бир қути уруғдан 60 килограмм, ҳамкасби Бусалима Мусаева эса 40 граммдан — 136 килограмм маҳсулот топширди.

Районнинг пилла хирмонига Дзержинский номли колхоз пиллабоқарлари муносиб улуш қўшаётганини айтиб ўтиш лозим. Жумладан, хўжалик пиллабоқари Озода Жумабоева қурт уруғининг 20 граммини ўз вақтида парваришлаб, қуртхона ҳароратини ва намлик меъёрини доимий назорат қилиб турди. Натижа чакки бўлмади. У 84 килограммдан зиёд сифатли ҳосил териб олди.

Шунингдек, Навоий номли колхоз аъзоси Гулсара Ашурова 40 грамм қурт уруғидан 146 килограмм, мусобақадоши Ўрингул Мирзабоева эса икки қутидан 168 килограмм юқори сифатли пилла топширишга муваффақ бўлди. Район хўжаликларида долзарб палла — пилла топшириш қизғин давом этмоқда.

СИФАТЛИ ВА ТОЗА

РАЪНО ОПА Сайфиддинованинг қурт боқаётганига кўп йил бўлди. Пенсияга ҳам чиққан. Лекин шунга қарамай ҳамон сафда. Биргина ўтган йили бир қути уруғни оиласи билан парваришлаб, 80 килограмм аъло сифатли хом ашё топширди.

Раъно опанинг бу йилги марраси янада юқори. У Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги нишонланадиган йилда бу кўрсаткични 85 килограммга етказмоқчи.

— Қурт боқиш мавсуми жуда қисқа, аммо юмушлари талайгина. Бу энг аввало қуртни парваришлашга тааллуқли. Қуртхона доимо озода бўлиши, жониворлар қачон ухлаб, қачон озуқани ҳуш кўриб ейиши, қачон уларни ғаналаш катта аҳамиятга эга. Келинларим Мохира ва Наргизахонлар бунинг ҳадисини билиб олишган. Шунинг учун ҳам етиштирган ҳосилимиз сифатли ва тоза. Бунга мана ўзингиз ҳам гувоҳ бўлиб турибсиз, — дейди ва қўлига олган пиллаларини фахр билан кўрсатади Тошкент районидаги Собир Раҳимов номли колхознинг тажрибали пиллакори Раъно опа Сайфиддинова.

Тажрибали пиллакор бугундан бошлаб район қабул пунктига ҳосил жўната бошлади. Дастлабки кўрсаткич чакки эмас. 60 килограмм. Раъно опа хонадонида терилмагани эса ҳали анчамунча. Демак, мажбурият шараф билан бажарилади.

А. ИСАЖОНОВ.

ПИЧАН ЖАМҒАРИЛМОҚДА

КУНИГА 20 ТОННА

ОҲАНГАРОН районининг «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозида табиий пичан ўрими зарбдор ойлиги давом этяпти. Ҳозир бу ишга хўжаликнинг ҳар бир аъзоси сафарбар этилган. Бунда, айниқса, совхоз идора ходимлари, гараж ва хўжалик фермаси ишчи-хизматчилари, чорвадорларидан тузилган отряд пешқадамлик қилаётир.

Бу отряднинг М. Мараимов, О. Дусанбеков, А. Исломов, М. Ғиёсов сингари аъзолари кунига 1,5—2 тоннага етказиб хашак ўриб барчага ибрат бўлишаяпти. Ҳозиргача улар тайёрлаган пичан 200 тоннадан ошиб кетди. Озуқа тўпловчилар зарбдор мавсум давомида 600 тонна табиий хашак жамғаришга аҳд қилишган.

Х. ҲАМРОЕВ.

Ҳозиржавоб бўлайлик

Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб республикамизда ўтказилаётган совет адабиёти кунлари қатнашчиларидан бир группаси Тошкент области меҳнат коллективлари ҳаёти билан танишдилар. Сафарда уларга ҳамроҳ бўлган штатсиз мухбиримиз А. Маннопов ижодкорларнинг айримларидан интервьюлар олиб қайтди. Қуйида ана шу материаллардан бири билан танишасиз.



Константин СКВОРЦОВ,

СССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретари, шоир.

— Константин Васильевич, сизнинг назарингизда совет адабиёти кунларининг ўтказилиши қандай аҳамият касб этади?

— Маълумки совет адабиёти қардош иттифоқдош республикалар қаламкашлари ижодиётисиз кўп миллатли яхлит адабиётни ташкил этолмасди. Зеро программаси, маслаги, келажак нуқтаи-назари бир хил бўлган адабиёт кучли ва енгилмасдир. Биз қалам аҳли ана шундай адабиётга хизмат қилаётганимиздан фахрланамиз.

Октябрь 70 йиллигига бағишланган совет адабиёти кунлари Украинадан сўнг сизнинг диёрингизда ўтказилмоқда. Унинг олдингиларидан фарқи шундаки, икки республикада ҳам меҳмонларни кутиб олишда тантаворлик, дабдабабозликка йўл қўйилмади. Ишчидан тортиб партия арбобигача бизлар билан самимий, ошкора, ўзаро фойдали мулоқотда бўлди. Ижодкорларимиз ишлаб чиқариш объектларида, деҳқонлар, зиёлилар, қаламкашлар ҳузурида бўлиб, фикр алмашдилар, илҳом олдилар. Янги дўстлар орттирдилар. Бундай учрашувлар, суҳбатлар, ўзаро фикр алмашувлар, шубҳасиз миллий адабиётларни ривожлантиришга, уни янги мавзулар, янги ғоялар билан бойитишга хизмат қилади.

— Ҳозирги адабиётимизнинг қайта қуриш ишига қўшаётган ҳиссасини сезиларли, деб ҳисоблаш мумкинми?

— Тўғрисини айтсам, мамлакат миқёсида ҳам, республикалар миқёсида ҳам қайта қуриш биз истагандан анча секинлик билан бормоқда. Бунга партия, совет, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари, идеология ходимлар ва ижодий зиёлиларнинг ўрта ва қуйи звено билан ишлашда қатъиятлилик, зукколик, моҳирона ташкилотчилик фазилатлари етишмаётганлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Ёзувчи эса реалликни бўямай-чизмай ҳаққоний кўрсатиши керак. Демак, экономикамизда катта олға силжишлар рўй бермас экан, адабиётимизда ҳам қайта қуриш тўла ўз аксини тополмайди.


Биз адиблар қаерда қайта қуриш куртакларини пайқасак, ана шу янгиликни кўпчилик мулкига айлантиришда дадиллик кўрсатишимиз лозим бўлади.

— Ўзбекистонлик ёш ижодкорларга қандай тилагингиз бор?

— Тилагим ёшлар Навоий, Пушкин каби бобоколонларимиз ижодий анъаналарини давом эттиришса, Республикангизда Расул Ҳамзатовдек юлдузлар етишиб чиқса, кўпайса, ҳаётда, ижодда актив позицияни эгаллашса. Хуллас, уларга, шу жумладан, «Тошкент ҳақиқати» газетхонларига мустаҳкам соғлиқ, қайта қуриш ишида собитқадамлик тилайман.







● ТОШКЕНТ районидаги бошпилла қабул қилиш пункти айни кунларда, айниқса, гавжумлашиб кетган. Хўжалик раҳбарларининг пиллакорлари ўзлари етиштирган янги «кумуш тола» ҳосилини пешма-пеш топширмоқдалар. Суратларда: (чапдан ўнгга) Карл Маркс номли колхоз пиллакори Маҳфуза Қобулова; пункт бош агрономи Маҳамаджон Ҳамидов, лаборант Ибодат Эшонқулова, мастер Зуҳра Шодиевалар маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда: оператор Гулчеҳра Ҳасанова иш устида.

А. Зуфаров фотолари.

РЕВОЛЮЦИЯ ОДИМЛАРИ:



ҲАФТАМА-ҲАФТА

ЛЕНИН ВА ОКТЯБРЬ

1917 йил май ойи охирларида иқтисодий ва сиёсий вазиятни Ленин доҳиёна нигоҳи билан илғаб, контрреволюциянинг куч тўплаб ҳужумга ўтаётганини пайқади. Вақтли ҳукумат эсер ва меньшевиклар ёрдамида меҳнаткашлар эркинлигига тажовуз қилишга уринаётганини фош қилди. У меҳнаткашларни ҳукумат партияси ва шу ҳукуматга кирган барча партияларга мутлақ овоз бермасликка чақирди.

ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Саноат устидан назорат ўрнатиш ҳақида вайсаб, аслида унга халал бераётган эсер-меньшевикларни Ленин фош қилиб, ҳақиқий ишчи назоратини ўрнатишга чақирди. Петроград фабрика-заводлар комитетлари I конференциясида Ильич эсер ва меньшевиклар уч ойдан бери ҳокимият тепасида турган бўлсалар-да, ишчилар учун ҳеч нарса қилмаганликлари, аксинча, тобора капиталист ва помешчиклар манфаатини ҳимоя қилиш тарафига ўтиб кетганликлари ҳақида гапирди.

— **Энди анъанавий савол: бу муваффақиятларнинг сири нимада? Ҳолбуки, бундан бир неча йил муқаддам завод қолоқлар қаторига тушиб қолган эди.**

— Инсон омилига алоҳида урғу берганимизда. Планни бажарадиган ҳам инсон, таннархни пасайтирадиган ҳам, меҳнат унумдорлигини оширадиган ҳам мана шу инсондир. Инсон учун эса маиший шароитлар жуда муҳим роль ўйнайди. Оиласидан кундалик турмушидан, рўзғоридан кўнгли хотиржам бўлмаган ишчининг меҳнатида унум бўлмаслиги икки карра икки — тўрт дегандек оддий ҳақиқат. Шундай экан, кейинги йилларда биз ишчиларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилашга, рўзғор учун кундалик зарур буюмларни муҳайё этишга биринчи даражали эътибор бердик. Ҳозирга келиб сеза заводимизда нормал меҳнат қилиш учун деярли барча шароитлар яратилди, десак муболаға бўлмайди. Хусусан, ишчи-хизматчилар учун профилакторий ишлаб турибди, уларнинг фарзандлари учта болалар боғчасида. иккита пионерлар лагерида тарбияланмоқда. Пионерлар лагери ҳузурида катталар, яъни ота-оналар учун пансионат ҳам, дам олиш зонаси ҳам, интурист типидаги меҳмонхона ҳам мавжуд. Корхона ҳузурида ёлғиз ишчилар учун 400 ўринли шинам ётоқхона бор. Кейинги пайтда кимёгарлар маданият саройи ва завод турар-жой коммунал бўлими ўз фаолиятларини анча активлаштирдилар. Ҳозирги кунда эса поликлиникаси билан бирга медицина-санитария қисми, болалар майдончаси қуриляпти. Шу беш йилликда стадион фойдаланишга топширилади.

Корхонамиз ёрдамчи хўжалигидаги чўчқалар сони 1200 бошга, йирик шохли қорамоллар 100 бошга, қўйлар 300 бошга етказилди. Паррандахонамизда 21 минг товуқ-жўжалар боқиляпти. Уларнинг барчаси бир йилда ишчи-хизматчиларни 52 тонна ёки ҳар бир кишини 18 килограммдан гўшт билан таъминлаш имконини берди. **Бундан ташқари 12 тонна** лимон, 35 тонна олма ва шафтоли, 15 тонна помидор ва бодринг, кўплаб сут ва тухум етиштириб беряпмиз.

Ишчи ва хизматчилар озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун олисга бормайдилар, завод территориясининг ўзида озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қиладиган магазин ишлаб турибди. Шунингдек, «Силуэт» ателъесида хоҳлаган кийим-кечакларга буюртма беришлари мумкин. Химчистка ва рўзғор техникасини ремонт қиладиган қабул пункти мавжуд. Сартарошхона, почта, омонат кассаси, коопторг магазини кимёгарлар хизматида. Тошкентдан иккита нон ёпадиган тандир келтириб ўрнатдик, Пискентдан таниқли новвойларни чақирдик. Улар ҳар куни эҳтиёжга етарли иссиқ нонлар ёпиб беришмоқда. Иккита ишчи ошхонаси ишлаб турибди.

Эртага— Химиклар куни

Мана шуларнинг ҳаммаси инсон омилини оширишга, қўнимсизликни кескин камайтиришга, ишчи-хизматчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга ва кайфиятини кўтаришга хизмат қилмоқда. Натижада заводимиз коллективи кейинги уч кварталда қаторасига шаҳар партия комитети, ижроия комитети, кимёгарлар касаба союзи область комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлда сақлаб турибдилар. Бугунги касб байрами арафасида коллектив ютуқларига салмоқли ҳисса қўшаётган ишлаб чиқариш илғорлари— 2-аммофос цехининг аппаратчиси Надежда Афанасьевна Бондаренко, 3-аммофос цехининг аппаратчиси Нина Гавриловна Голованова, слесарь Дмитрий Андреевич Бегинин, олтингугурт кислотаси цехининг аппаратчиси Станислав Афанасьевич Горюновларнинг номларини таъкидлашни истардим.

— **Заводнинг қолоқлар сафига тушиб қолишининг яна бир объектив сабаби —хомашё бўлмиш маъданда фойдали элементлар миқдори нормадагидан камайиб кетганлигида эди.**

— Рост. Буни ҳам бартараф этдик. Бизга хомашё Қозоғистондан — 500—600 километр масофадан ташиб келтирилади. Ў ерда маъдан турли конлардан қазиб олинади. Ана шу конларнинг биридаги фойдали қазилма мутлақо фойдасиз ҳолга келган экан. Уни аниқлаш ва министрлик орқали бу конни қазишни тўхатгунгача ҳам анча меҳнат ва вақт сарфланди. Ҳозир бу иш ҳам ўз жойига тушди.

— **Маҳсулотларни давлат қабулига ўтказиш областимиздаги кўп корхоналарни довдиратиб қўйди: ойлик план баъзан 50 процентгача ҳам бажарилмаган корхоналар бўлди. Сизларда эса давлат қабули бирмунча силлиқ кечди. Бунинг сабаби нимада?**

— Ўтган йилнинг бошида давлат қабули ҳақида гап чиққандан бошлаб биз бунга тайёргарлик кўрдик. Жумладан, техника назорати бўлими фаолияти кучайтирилди: контролерларнинг разрядлари кўтарилди, маоши оширилди. директорнинг сифат бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди. Бу лавозимдаги киши айни пайтда техника назорати бўлимининг бошлиғи ҳамдир. Илгари техника назорати бўлими ходимлари план бажарилсагина мукофот оларди. Натижада улар сифатсиз маҳсулотни ҳам кўз юмиб ўтказаверишдан моддий манфаатдор эдилар. Энди эса назоратчилар планнинг бажарилиш-бажарилмаслигидан қатъий назар яхши ишлаганлиғи учун мукофот олаверади.

— **Ҳамма иш аъло, ҳаммаси силлиқ, бироита қийинчилик ёки муаммолар қолмадими?**

— Бусиз мумкин эмас. Масалан, ҳозир омборда 17 минг тонна таёр маҳсулот ётибди. 18 май куни темирйўл бизга 54 та вагон юборди. Уларнинг ярми бузуқ. Қолган ярми яхши тозаланмаган. Бу шунчаки кир-чир деган гап эмас, балки битта вагондан 5 тоннагача қотган цемент қолдиқларини олиб ташлаяпмиз. Темирйўлчилар штатни қисқартириб, бунинг натижасида вагонлар тозаланмасдан жўнатиляпти. Улар ҳар битта вагонни тозалаш учун бизга 15 сўм ҳақ тўлашади. Лекин бунинг учун вақт кетади. Бизда ўзимизнинг вагон-ремонт бригадамиз бор. Лекин улар ҳам улгуришмаяпти. Ўтган йили 1349 та вагонни, бу йил эса 418 та вагонни ремонт қилдик. Ўтган йили биз темирйўлга 250 минг сўм жарима тўладик, темир йўл эса бизга 393 минг сўм жарима тўлади. Ўтган йил иккинчи кварталда ва бу йил биринчи кварталда эса вагонларнинг юк ортиш муддатини нормадагидан қисқартирганлигимиз учун темирйўлдан мукофот ҳам олдик. Улар бу йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида бизга 175 минг сўм жарима тўлашди. Бу жарималарнинг ортида минглаб тонна ортилмай ётган минерал ўғитлар ётибди. Уларни эса республикамизда, Россияда деҳқонлар маҳтал бўлиб кутишмоқда...

— **Бундан буён қилинажак яхши ишлар...**

— Инсон омилини кучайтиришни давом эттиришимиз, хўжалик юритишнинг янгиянги усулларини жорий этаверамиз. Куни кеча завод ҳузурида сут маҳсулотлари магазини ишлай бошлади. Олмалиқ сут заводига ўзимизнинг ёрдамчи хўжалик сигирларидан соғиб олинган сутни топширяпмиз, улар бизга маҳсулот тайёрлаб қайтаришяпти. Яқин кунларда завод дарвозаси олдида кичкинагина территориянинг устини ёпиб бозорча қурмоқчимиз. Атрофдаги районлардан келтирилган мева-сабзавотлар, кўкатлар шу ерда сотилаверади ва ишчи-хизматчилар 5—6 чақирим наридаги марказий бозорга қатнашдан қутуладилар. Режалар кўп...

Суҳбатни Ҳ. ОЛИМЖОНОВ ёзиб олди.

ТЕЖАМКОРЛИК ҲИСОБИГА

КПСС XXVI СЪЕЗДИ НОМЛИ ОЛМАЛИҚ ХИМИЯ ЗАВОДИНИНГ ДИРЕКТОРИ, ТЕХНИКА ФАНЛАРИ КАНДИДАТИ М. М. МИРҲЎЖАЕВ БИЛАН СУҲБАТ

— **Мирғани Мирходиевич, аввало, биринчи квартал якунлари бўйича эришган муваффақиятларингиз билан табриклаймиз. Завод коллективи Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, СССР химия саноати министрлигининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди. Бу юксак мукофотни қўлга киритишга олиб келган юқори кўрсаткичларни эслаб ўтсак.**

— Биринчи квартал муваффақиятларига ўтган йили замин тайёрланган эди. Заводимиз механизаторлари товар маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича йиллик планни 104,7 процент бажардилар. Пландагига қўшимча 6 миллион сўмлик минерал ўғитлар ишлаб чиқарилди. Маҳсулот реализацияси пландагига қўшимча 3 миллион 164 минг сўмликни ташкил этди. Маҳсулот таннархи 1 миллион 236 минг сўмлик пасайди, меҳнат унумдорлиги пландагига нисбатан 2,7 процент ортди. Шунингдек, материал ва ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича ҳам яхши кўрсаткичларга эришдик.

— **Энди анъанавий савол: бу муваффақиятларнинг сири нимада? Ҳолбуки, бундан бир неча йил муқаддам завод қолоқлар қаторига тушиб қолган эди.**

— Инсон омилига алоҳида урғу берганимизда. Планни бажарадиган ҳам инсон, таннархни пасайтирадиган ҳам, меҳнат унумдорлигини оширадиган ҳам мана шу инсондир. Инсон учун эса маиший шароитлар жуда муҳим роль ўйнайди. Оиласидан кундалик турмушидан, рўзғоридан кўнгли хотиржам бўлмаган ишчининг меҳнатида унум бўлмаслиги икки карра икки — тўрт дегандек оддий ҳақиқат. Шундай экан, кейинги йилларда биз ишчиларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилашга, рўзғор учун кундалик зарур буюмларни муҳайё этишга биринчи даражали эътибор бердик. Ҳозирга келиб сеза заводимизда нормал меҳнат қилиш учун деярли барча шароитлар яратилди, десак муболаға бўлмайди. Хусусан, ишчи-хизматчилар учун профилакторий ишлаб турибди, уларнинг фарзандлари учта болалар боғчасида. иккита пионерлар лагерида тарбияланмоқда. Пионерлар лагери ҳузурида катталар, яъни ота-оналар учун пансионат ҳам, дам олиш зонаси ҳам, интурист типидаги меҳмонхона ҳам мавжуд. Корхона ҳузурида ёлғиз ишчилар учун 400 ўринли шинам ётоқхона бор. Кейинги пайтда кимёгарлар маданият саройи ва завод турар-жой коммунал бўлими ўз фаолиятларини анча активлаштирдилар. Ҳозирги кунда эса поликлиникаси билан бирга медицина-санитария қисми, болалар майдончаси қуриляпти. Шу беш йилликда стадион фойдаланишга топширилади.

Корхонамиз ёрдамчи хўжалигидаги чўчқалар сони 1200 бошга. йирик шохли қорамоллар 100 бошга, қўйлар 300 бошга етказилди. Паррандахонамизда 21 минг товуқ-жўжалар боқиляпти. Уларнинг барчаси бир йилда ишчи-хизматчиларни 52 тонна ёки ҳар бир кишини 18 килограммдан гўшт билан таъминлаш имконини берди. **Бундан ташқари 12 тонна** лимон, 35 тонна олма ва шафтоли, 15 тонна помидор ва бодринг, кўплаб сут ва тухум етиштириб беряпмиз.

Ишчи ва хизматчилар озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун олисга бормайдилар, завод территориясининг ўзида озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қиладиган магазин ишлаб турибди. Шунингдек, «Силуэт» ателъесида хоҳлаган кийим-кечакларга буюртма беришлари мумкин. Химчистка ва рўзғор техникасини ремонт қиладиган қабул пункти мавжуд. Сартарошхона, почта, омонат кассаси, коопторг магазини кимёгарлар хизматида. Тошкентдан иккита нон ёпадиган тандир келтириб ўрнатдик, Пискентдан таниқли новвойларни чақирдик. Улар ҳар куни эҳтиёжга етарли иссиқ нонлар ёпиб беришмоқда. Иккита ишчи ошхонаси ишлаб турибди.

Эртага— Химиклар куни

Мана шуларнинг ҳаммаси инсон омилини оширишга, қўнимсизликни кескин камайтиришга, ишчи-хизматчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга ва кайфиятини кўтаришга хизмат қилмоқда. Натижада заводимиз коллективи кейинги уч кварталда қаторасига шаҳар партия комитети, ижроия комитети, кимёгарлар касаба союзи область комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлда сақлаб турибдилар. Бугунги касб байрами арафасида коллектив ютуқларига салмоқли ҳисса қўшаётган ишлаб чиқариш илғорлари— 2-аммофос цехининг аппаратчиси Надежда Афанасьевна Бондаренко, 3-аммофос цехининг аппаратчиси Нина Гавриловна Голованова, слесарь Дмитрий Андреевич Бегинин, олтингугурт кислотаси цехининг аппаратчиси Станислав Афанасьевич Горюновларнинг номларини таъкидлашни истардим.

— **Заводнинг қолоқлар сафига тушиб қолишининг яна бир объектив сабаби —хомашё бўлмиш маъданда фойдали элементлар миқдори нормадагидан камайиб кетганлигида эди.**

— Рост. Буни ҳам бартараф этдик. Бизга хомашё Қозоғистондан — 500—600 километр масофадан ташиб келтирилади. Ў ерда маъдан турли конлардан қазиб олинади. Ана шу конларнинг биридаги фойдали қазилма мутлақо фойдасиз ҳолга келган экан. Уни аниқлаш ва министрлик орқали бу конни қазишни тўхатгунгача ҳам анча меҳнат ва вақт сарфланди. Ҳозир бу иш ҳам ўз жойига тушди.

— **Маҳсулотларни давлат қабулига ўтказиш областимиздаги кўп корхоналарни довдиратиб қўйди: ойлик план баъзан 50 процентгача ҳам бажарилмаган корхоналар бўлди. Сизларда эса давлат қабули бирмунча силлиқ кечди. Бунинг сабаби нимада?**

— Ўтган йилнинг бошида давлат қабули ҳақида гап чиққандан бошлаб биз бунга тайёргарлик кўрдик. Жумладан, техника назорати бўлими фаолияти кучайтирилди: контролерларнинг разрядлари кўтарилди, маоши оширилди. директорнинг сифат бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди. Бу лавозимдаги киши айни пайтда техника назорати бўлимининг бошлиғи ҳамдир. Илгари техника назорати бўлими ходимлари план бажарилсагина мукофот оларди. Натижада улар сифатсиз маҳсулотни ҳам кўз юмиб ўтказаверишдан моддий манфаатдор эдилар. Энди эса назоратчилар планнинг бажарилиш-бажарилмаслигидан қатъий назар яхши ишлаганлиғи учун мукофот олаверади.

— **Ҳамма иш аъло, ҳаммаси силлиқ, бироита қийинчилик ёки муаммолар қолмадими?**

— Бусиз мумкин эмас. Масалан, ҳозир омборда 17 минг тонна таёр маҳсулот ётибди. 18 май куни темирйўл бизга 54 та вагон юборди. Уларнинг ярми бузуқ. Қолган ярми яхши тозаланмаган. Бу шунчаки кир-чир деган гап эмас, балки битта вагондан 5 тоннагача қотган цемент қолдиқларини олиб ташлаяпмиз. Темирйўлчилар штатни қисқартириб, бунинг натижасида вагонлар тозаланмасдан жўнатиляпти. Улар ҳар битта вагонни тозалаш учун бизга 15 сўм ҳақ тўлашади. Лекин бунинг учун вақт кетади. Бизда ўзимизнинг вагон-ремонт бригадамиз бор. Лекин улар ҳам улгуришмаяпти. Ўтган йили 1349 та вагонни, бу йил эса 418 та вагонни ремонт қилдик. Ўтган йили биз темирйўлга 250 минг сўм жарима тўладик, темир йўл эса бизга 393 минг сўм жарима тўлади. Ўтган йил иккинчи кварталда ва бу йил биринчи кварталда эса вагонларнинг юк ортиш муддатини нормадагидан қисқартирганлигимиз учун темирйўлдан мукофот ҳам олдик. Улар бу йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида бизга 175 минг сўм жарима тўлашди. Бу жарималарнинг ортида минглаб тонна ортилмай ётган минерал ўғитлар ётибди. Уларни эса республикамизда, Россияда деҳқонлар маҳтал бўлиб кутишмоқда...

— **Бундан буён қилинажак яхши ишлар...**

— Инсон омилини кучайтиришни давом эттиришимиз, хўжалик юритишнинг янгиянги усулларини жорий этаверамиз. Куни кеча завод ҳузурида сут маҳсулотлари магазини ишлай бошлади. Олмалиқ сут заводига ўзимизнинг ёрдамчи хўжалик сигирларидан соғиб олинган сутни топширяпмиз, улар бизга маҳсулот тайёрлаб қайтаришяпти. Яқин кунларда завод дарвозаси олдида кичкинагина территориянинг устини ёпиб бозорча қурмоқчимиз. Атрофдаги районлардан келтирилган мева-сабзавотлар, кўкатлар шу ерда сотилаверади ва ишчи-хизматчилар 5—6 чақирим наридаги марказий бозорга қатнашдан қутуладилар. Режалар кўп...

Суҳбатни Ҳ. ОЛИМЖОНОВ ёзиб олди.



● **ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Ипподромная — Гайдар кўчалари кесишган чорраҳада бунёд этилаётган ётоқхона қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Бинони 24-қурилиш бошқармасининг дурадгорлари қўлдан чиқаришмоқда. Суратда: илғор дурадгорлар (чапдан ўнгга) Т. Азимов, М. Мухсимов, Т. Олимхўжаев, Р. Каримов, Т. Абдукаримов ва А. Аброрхўжаевлар.**

А. Тўраев фотоси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ материаллари изидан

«ОШДАН ЧИҚҚАН ТОШ»

4 март, 1987 йил

«Шарқ таомлари» кафесида хўрандаларга хизмат қилишдаги жиддий нуқсонлари юқоридаги сарлавҳали мақолада очиб ташланган эди. Мақолага Ўрта Чирчиқ район матлубот жамияти правленнесининг раиси А. Хафизовдан олинган жавобда кўрсатилишича, мақола райондаги 3-умумий овқатланиш корхонаси коллективи ўртасида муҳокама қилинган. Район матлубот жамияти правленнесининг қарорига асосан камчиликка йўл қўйган айбдорлар жазоланган. Жумладан, кафе чойхоначиси Б. Отаметов ва кабобпаз А. Раҳматуллаевлар хўрандалар ҳақига хиёнат қилганликлари, совет савдоси қоидаларини бузганликлари учун ишдан бўшатилган. Кафе ошпази К. Раҳимов 6 ойга бошқа ишга ўтказилган. 3-умумий овқатланиш корхонасининг директори Ю. С. Сидоровга «Шарқ таомлари» кафеси ходимлари устидан назоратни бўшаштириб юборганлиги учун хайфсан эълон қилинган.

Район матлубот жамияти правленнеси умумий овқатланиш корхонаси системасида хўрандаларга хизмат қилиш маданиятини ошириш тадбирларининг ишлаб чиқди.

904-СЧЁТГА

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ходимлари тошқиндан зарар кўрган Пискент районидаги «Гулистон» колхози аҳолисига ёрдам қилишга аҳд қилдилар. Шу муносабат билан ўтказилган йиғилишда сўзга чиққан академик Ш. Шоабдурахмонов, филология фанлари доктори Т. Мирзаев, филология фанлари кандидати М. Абдураҳмоновалар халқлар, элатлар дўстлиги оғир ташвишли кунларда синалиши ҳақида гапирдилар.

Институт ходимлари бир овоздан бир кунлик иш ҳақларининг ярмини (1200 сўм) 904-счётга, қолган қисмини Тинчлик фондига ўтказдилар.

И. ТОШЕВ.

ҚОНУН, ҲУҚУҚ ВА ОДИЛЛИК УЧУН

21 ИЮНЬ — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ВА ХАЛҚ СУДЛАРИГА САЙЛОВЛАР КУНИ

КПСС XXVII съездининг социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, ижтимоий бошқарув системасини демократлаштириш, омманинг ижодий активлигини ошириш юзасидан белгилаб берган йўли социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш, совет гражданларининг конституцион ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилишни таъминлаш, социал адолат принципларига қатъий амал қилиш ишлари билан чамбарчас боғланиб кетади. Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда партия ва ҳуқумат ҳужжатларида социалистик қонунчиликни бевосита таъминловчи суд, прокуратура, милиция ва юстиция органлари иш фаолиятини янада яхшилаш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Ҳалқ судларига шу йил 21 июнда ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик ва уни ўтказиш, айниқса, бу йилги шароитда суд ва юстиция органлари фаолиятида муҳим ўрин тутмоқда.

Навбатдаги сайлов кампаниясига тайёргарлик даврида областдаги ҳар бир судьянинг беш йиллик иш фаолияти атрофлича чуқур ва ҳар томонлама ўрганилиб, таҳлил қилиб чиқилди. Бунда асосий эътибор уларнинг одил судловни қай даражада амалга оширишларига қаратилди ва ишларидаги мавжуд камчиликларни тугатиш чоралари кўрилди. Одил судловни амалга оширишда қатор камчиликларга йўл қўйган халқ судьялари муддатидан илгари ўз лавозимларидан чақириб олинди-лар. Жумладан кейинги икки йилда 70 процент судьялар алмаштирилди.

Халқ судьялари граждан-лар томонидан умумий тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида овоз бериш йўли билан беш йил муддатга, халқ маслаҳатчилари эса ишчи, хизматчи, колхозчиларнинг умумий йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланадилар.

Совет қонунлари судьяликка ва халқ маслаҳатчилигига сайланиш учун ҳеч қандай қонуний, мулкий, жинсий, миллий ва бошқа чеклашлар белгиламайди. 25 ёшга тўлган ҳар бир совет граждани судья ёки халқ маслаҳатчиси қилиб сайланиши мумкин. Совет судининг халқчиллиги фақат унинг меҳнаткашлар томонидан сайланиб қўйилишида ифодаланмай, балки сайланувчилар халқ вакили эканлиги билан характерланади.

Масалан, ҳозирги кунда Тошкент областидаги 15 район ва 6 шаҳар халқ судларига сайланган судьялар етти миллат вакилларига мансубдирлар. Шундан 43 проценти аёллар, кўпчилиги 40 ёшгача бўлган кишилардир. Уч мингдан ортиқроқ халқ маслаҳатчиларининг 45,5 проценти аёллар, 36,7 проценти ишчилардан иборат.

Халқ судьялари ва халқ маслаҳатчилари қонун олдида тенг ҳуқуқлидирлар, яъни халқ маслаҳатчилари одил судловни амалга оширишда судьянинг ҳамма ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Улар суд ишларини кўришда мустақил равишда фақат қонунга бўйсунадилар. Суд мажлисида ҳар бир ишни атрофлича текшириб чиқиб, аниқланган масалалар бўйича маслаҳатхонада ўзларининг ички ишончлари, социалистик ҳуқуқий онглари билан қонунга асосланган ҳукм ва ҳал қилувчи қарорларини чиқарадилар.

Социалистик қонунчиликни амалга оширишда қонунларни пропаганда қилишда, жиноятчиликнинг олдини олиш ишларида халқ маслаҳатчиларининг роли ниҳоятда катта. Уларнинг ҳар тарафлама ҳаётий ва ижтимоий-сиёсий тажрибаси суд фаолиятининг яхшиланишида, омма билан алоқани мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнайди.

Халқ судьялари ва халқ маслаҳатчилари сайловчилар олдида бир хилда жавобгардирлар, уларга ҳисоб бериб турадилар ва қонунда белгиланган тартиб бўйича улар муддатидан илгари сайловчилар томонидан чақириб олинишлари мумкин.

Бизнинг давлатда одил судловни ана шу юқорида баён этилган принциплар асосида олиб борилиши бутун фаолияти билан гражданларни Ватанга садоқат руҳида, совет қонунларини аниқ ва оғишмай бажариш, маслаҳатчилари қонун олдида тенг ҳуқуқлидирлар, яъни халқ маслаҳатчилари одил судловни амалга оширишда судьянинг ҳамма ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Улар суд ишларини кўришда мустақил равишда фақат қонунга бўйсунадилар. Суд мажлисида ҳар бир ишни атрофлича текшириб чиқиб, аниқланган масалалар бўйича маслаҳатхонада ўзларининг ички ишончлари, социалистик ҳуқуқий онглари билан қонунга асосланган ҳукм ва ҳал қилувчи қарорларини чиқарадилар.

Социалистик қонунчиликни амалга оширишда қонунларни пропаганда қилишда, жиноятчиликнинг олдини олиш ишларида халқ маслаҳатчиларининг роли ниҳоятда катта. Уларнинг ҳар тарафлама ҳаётий ва ижтимоий-сиёсий тажрибаси суд фаолиятининг яхшиланишида, омма билан алоқани мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнайди.

Халқ судьялари ва халқ маслаҳатчилари сайловчилар олдида бир хилда жавобгардирлар, уларга ҳисоб бериб турадилар ва қонунда белгиланган тартиб бўйича улар муддатидан илгари сайловчилар томонидан чақириб олинишлари мумкин.

Бизнинг давлатда одил судловни ана шу юқорида баён этилган принциплар асосида олиб борилиши бутун фаолияти билан гражданларни Ватанга садоқат руҳида, совет қонунларини аниқ ва оғишмай бажариш, социалистик мулкка нисбатан эҳтиёткорона муомалада бўлиш, меҳнат интизомига риоя қилиш, давлат ва жамоат олдидаги бурчига виждон билан қараш ҳамда социалистик турмуш қоидаларини ҳурматлаш руҳида тарбиялайди.

Совет судлари жиноий жазо чораларини қўллаш билан жиноятчиларни фақат жазолабгина қолмай, балки уларни қайта тарбиялашни ҳам ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Шу билан бирга у ҳуқуқ-тартиботларнинг бузилиши сабаблари ва шароитларини аниқлаш чораларини ҳам кўради.

Бу қийин ҳамда масъулиятли вазифани амалга оширишда халқ судьялари билан бирга юзлаб халқ маслаҳатчилари ўз иштироклари билан халқ судларига яқиндан ёрдам беришмоқда. Суднинг чиқарган ҳукмларини ва янги қонун-қоида, меҳнат интизоми, одоб-ахлоқ билан боғлиқ қоидаларни жойларда муҳокама қилиб, кўпчилик оммага етказишда фаол қатнашиб келишмоқда.

Биз халқ судларига сайловга қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда Янгийўл район ва Чирчиқ шаҳар халқ суди қошидаги халқ маслаҳатчилари Советининг раислари С. Назаров ва Н. Медведев, Коммунистик район болалар кутубхонасининг мудири О. Жаборова, Оҳангарон районидаги «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта лаборанти А. Кагирова, Янгиобод шаҳар ОРСининг бухгалтери Л. Босова ва бошқа ўртоқлар номини ҳурмат билан тилга оламиз.

Шубҳа йўққи, бу йилги сайловда халқ судьялигига номзоди қўйиладиган ҳуқуқшунос кадрларимиз бутун билими, маҳоратини социал адолат принципларини оғишмай амалга оширишга қаратадилар.

Ё. БОЗОРБОЕВ,
Тошкент область ижроия комитети юстиция бўлимининг бошлиғи.

ҲАМ КОЛЛЕКТИВ, ҲАМ ИШЧИ МАНФААТДОР

ҚУРИЛИШДА КОЛЛЕКТИВ ПУДРАТНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ОБЛАСТЬ СЕМИНАР КЕНГАШИДАН

1987 ИИЛ областимиздаги қурилиш-монтаж ва ихтисослашган трестларда коллектив пудратни оммавий равишда жорий этиш йили бўлиб қолади. Капитал қурилишда ана шу илғор усулни жорий этишга қандай тайёргарлик кўриляпти, меҳнат коллективларига янгича шароитда ишлашга нималар ҳалақит бермоқда? Тошкент область касаба союзлари Совети ва область қурилиш ҳамда бинокорлик материаллари саноати ишчилари касаба союз комитети томонидан ташкил этилган семинар-кенгашда мана шу масалалар муҳокама қилинди.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг мажлислар зали коллектив пудрат тўғрисидаги тажрибани ўртоқлашишни истаганлар билан лиқ тўлди. Бундай тажриба областимиздаги қатор коллективларда ҳам тўпланган. Масалан, 3-«Ташоблагропромстрой»нинг 30-колхозлараро кўчма механизациялашган колоннаси ўтган йили синов тариқасида коллектив пудратга ўтиб ишлаб, қурилиш ишлари ҳажмини белгиланганидан анча ошириб бажарди, фойда олиш пландагидан анча кўп бўлди. Энг муҳими, қурилиш-монтажда банд бўлган ҳар бир ишчининг ўртача маоши 14 процентга ортди. Бу ерда ўз зиммасига катта ҳуқуқ ва масъулиятларни олган бригада, участкалар ташкил этилган. Улар объектдаги барча ишларни — нолдан тортиб объектни фойдаланишга топширишгача жараённи бажарадилар. Намунали факт: Ю. Серегин бригадаси коллектив пудратга ўтиб «Оқ олтин» посёлкасида замонавий типдаги мактабни нормадаги ўн бир ой ўрнига етти ойда битказдилар. Колхозлараро кўчма механизациялашган колонна коллективи турар-жойга атиги 3—4 ҳафта вақт сарфлаяпти. Бу битта уй пландагидан деярли икки баравар қисқа муддатда қуриб битказиляпти, деган гапдир. Қишлоқ қурувчилари юз хил турда бинолар ва иншоотларни қуришмоқда. Бу ишларнинг тез ва соз бажарилишида коллектив пудрат ўқув келаётганлиги шубҳасиздир.

Семинар-кенгашда область касаба союзлари Советининг секретари Д. Д. Усачев «Коллектив пудратни жорий этиш, қурилишда юқори кўрсаткичларга эришишда унинг роли» деган мавзуда доклад қилди. Бу илғор усул республика қурилиш министрлиги, «Главташкентстрой», «Узагропромстрой»нинг 1- ва 2-трестлари, шунингдек, «Паркентводстрой» ва «Ташобгидромелиоводстрой» трестларининг бўлинмаларида суст жорий этиляпти. «Узэлектромонтаж», «Узбекгидроэнергострой», республика қурилиш ишлаб чиқариш алоқа-монтаж бирлашмаси, 1-уйсозлик комбинати, «Главташкентстрой»нинг «Строймеханизация» трести ва бошқа ташкилотларда коллектив пудрат ва хўжалик ҳисобида иш олиб борадиган раҳбар кадрларнинг, мутахассислар ва бригадирларнинг ўқувига яхши эътибор берилмаяпти.

Кенгашда касаба союз комитетлари янгича шароитларда ишлашга томон қайта қуришни талаблар даражасида олиб бормаётгани таъкидланди. Янгича шароитда биринчи навбатда социалистик мусобақа кўрсаткичларини қисқартириш керак. Объектларни ишга тушириш, фойда олиш, меҳнат унумдорлиги, юқори сифатли иш ва ишлаб чиқариш маданияти, меҳнатни муҳофаза қилиш кабилар асосий кўрсаткичлар бўлиб қолмоғи керак. Айниқса, ошкоралик, илғор тажрибаларни оммалаштиришга катта эътибор бериш зарур.

Коллективларнинг пудрат усулига ўтишга тайёргарлиги қандай бораётганлиги тўғрисида «Главташкентстрой» бошлиғининг иқтисод масалалари бўйича ўринбосари К. Солиҳов, «Узагропромспецмонтаж» бирлашмасининг меҳнат ва маош бўлими бошлиғи Г. Сорокина, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги 4-махсус трестининг бош инженери Р. Келлер, область қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчиларини касаба союз комитетининг секретари Н. Жарова, «Узорғтехстроймелиорация» трести иқтисод бўлимининг бошлиғи И. Абдураҳимов, «Ташоблагропромстрой» бирлашмаси 30-колхозлараро кўчма механизациялашган колоннасининг бошлиғи А. Ройтман, «Висотстрой» трести комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи А. Қиргизбоев, «Алмаликсвинецстрой» трести бошқарувчиси Н. Набоко ва бошқалар гапирдилар.

Коллектив пудратни кенг кўламда жорий этиш учун ҳозиргача тўпланган тажрибаларга таяниш, гапдан амалий ишга тезроқ ўтиш ва бу йўлда меҳнат коллективларига конкрет ёрдамлар бериш зарур.

КПСС Марказий Комитетининг коллектив пудратни жорий этиш тўғрисидаги қарорида таъкидланганидек, коллектив пудратни жорий этишни, қурилиш комплексини қайта қуриш ва хўжалик механизмини такомиллаштиришнинг энг муҳим банди деб қараш керак.

Семинар-кенгаш қатнашчилари қурилишда коллектив пудратни қўллаш бўйича тавсияномалар қабул қилдилар.

С. БЕРКОВИЧ.

• ҲОСИЛ ЖОНКУЯРЛАРИ

ПАХТА ИШИ ТАДБИРКОРЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

ОҚҚУРҒОН районидаги «Коммунизм» колхозида тажрибали пахтакорлар кўп. Ҳабил Тўрахўжаев ана шуларнинг бири. У ҳозир 62 ёшни қаршилади. Бутун умри пахта етиштириб келади. Қишлоқ аҳолиси деҳқончиликнинг сирларини бу одамдан яхши биладиган киши йўқ, бу атрофда дейишади. Ҳақиқатан ҳам у етакчилик қилаётган бригадада пахтадан мунтазам мўл ҳосил олинади. Бригадирлик фаолияти давомида кўпгина қолоқ коллективларни илғорлар сафига олиб чиққан. Яқинда биз ана шу тажрибали деҳқон билан учрашиб, бу йилги шароитда пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар ва тажрибалари ҳақида суҳбатлашдик.

— Ҳабил ака, аввало, бу йилги шароит ҳақида, колхозда дастлабки амалга оширилган тадбирлар тўғрисида тўхталсангиз.

— Салкам 50 йилдан буён далада меҳнат қиламан. Бундан ҳам оғир йилларни кўп кўрганмиз. Асл деҳқон ҳар қандай қийин шароитда ҳам эсанкирамасдан меҳнат қилади, мўл ҳосил учун курашади. Колхозимизда бундай шароитда асосий диққат эътибор илғор тажрибаларни оммалаштиришга, маслаҳатлашиб энг мақбул агротехника тадбирини ўтказишга ҳаракат қилинади. Масалан, 1987 йилни олиб кўрайлик. 1073 гектар майдонга 11 апрелга қадар тўлиқ чигит экиб бўлинган эди. Афсуски, тўхтовсиз ёққан ёмғир туфайли сизот суви ер юзасига яқин жойлашган карталарда қадалган уруғлик чирий бошлади. Кунлар илиши билан ер етилгач, 200 гектар майдонга қайтадан чигит экдик. Умуман зарарланган майдонлардаги карталарни бутлаш учун қўшимча тўрт кун ишлашга тўғри келди.

Экин-тикинни якунлагандан кейин навбатдаги, зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган масала — чигитни бир текис ва соғлом ундириб олиш вазифаси кўндаланг бўлди. Яна тажрибакорлар билан маслаҳатлашдик. Биринчи навбатда қатқалоққа қарши кураш авж олдирилди. Бу ишга одамлар сафарбар қилинди. Қатқалоқ билан биргаликда сурункали ёнгинчилик туфайли ўсиб чиқаётган бегона ўт илдизлари ҳам таг-томири билан йўқотилди. Юқоридаги тадбирларни маромида ўтказган кўплаб бригадаларимизда ҳозир тўла қўчат олишга эришилди. Хусусан, бригадамиздаги мавжуд 90 гектар ернинг ҳаммасида уруғлик бир текис ундириб олинди.

— Ҳозир ҳамма пахтакор хўжаликларда дастлабки культивацияга киришилди. Сизнингча биринчи ишловни ўтказишда қималарга кўпроқ эътибор бериш керак?

— Ҳақиқатдан ҳам тўлиқ гектарлар ҳосил қилишда, яъни ҳар гектар ерда ўртача 110—120 туп соғлом гўзани сақлаб қолишда биринчи культивациянинг аҳамияти жуда катта. Гап шундаки, агар у эҳтиётсизлик билан ўтказилса, эндигина икки қулоқ бўлган ниҳол нобуд бўлади. Кўпчилик биринчи ишловдан кейин ҳам хатосига чигит экишади. Буни оқлаб бўлмайди. Чунки экилган уруғлик униб чиққунча яна 20—25 кун ўтади. Бу орада пахтани яганадан ҳам чиқариб парваришга зўр бериш керак.

Демак биринчи культивациянинг аҳамияти катта экан, ҳамма колхоз ва совхозда ҳамда бригадада дастлабки ишлов бериш учун биринчи галда техникани пухта созлаш, культиватор ишчи органларини ниҳоятда тўғри ўрнатиш ва уларнинг эгатда бир текис ҳаракат қилишини таъминлаш керак. Албатта, бунинг учун механизатор ҳам малакали ва тажрибали бўлиши лозим. Шунинг учун механизаторларни олдиндан бу ишга тайёрлаш, техникани икки-уч бор синовдан ўтказиб, сўнг далага олиб кириш керак. Ана шундагина ишда ҳам унум ҳам сифат бўлади. Ўрни келганда яна бир нарсани қўшимча қилиб қўяй, мана шу биринчи трактор юрганда қандай ҳаракат қилса, то пахта пишиб етилиб, ҳосил йиғиб-териб олингунча уни орқасидан юрган ҳамма техника шундай ҳаракат қилади. Демак келгуси ишларнинг сифатида ҳам дастлабки қилинган культивация катта роль ўйнайди.

Энди культиваторнинг ишчи органларини қандай чуқурликда ўрнатиш ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу ишни ҳар бир картанинг ҳолатига қараб 12 сантиметрдан 15 сантиметргача қилиб ўрнатаяпмиз. Ҳимоя зонаси эса 8—10 сантиметрни ташкил этаяпти. Айтмоқчиманки, ҳар бир картанинг тупроқ шароитига қараб ишловни ташкил этиш яхши самара беради.

— Мана бу йил ғўзанинг ривожи кечикаяпти, ҳозир бутун диққат-эътиборни буни тезлаштиришга қаратиш керак, деган гаплар кўп бўляпти. Ана шу ҳақда нима дейсиз?

— Бу саволга жавоб беришдан олдин бир нарсани айтиб қўяй, аввало ҳар бир экиннинг пишиб етиладиган маълум муддати бор. Айниқса, пахта бу борада жуда нозиқ экин. Ўзимиз айтамиз-ку, ғўза кун санайдиган ўсимлик, деб. Демоқчиманки, ўша орқада қолинаётган 10—12 кунни ғўзага ҳаддан зиёд минерал ўғит бериб, гўё бўйи ҳисобига етказиб олишдан кўра, барча агротехника тадбирларини маромида бажариб сифатли ҳосил етиштириш учун курашиш керак. Юқорида айтганимдек, буни уддасидан чиқиш ҳар бир деҳқоннинг ўз қўлида.

Масалан биз бу йилги шароитни алоҳида ўрганиб чиқдик ва ҳосилни эрта етилтиришдаги, ёш ниҳолнинг тезроқ қаддини тиклаб олишидаги қўшимча имкониятларидан бири — ривожи сust карталардаги экинни суғоришга қарор қилдик. Айниқса, қирли зоналардаги ғўзага тезроқ сув тараш керак. Ана шунда дастлабки ишлов билан биргаликда солинган минерал ва маҳаллий ўғит яхши самара беради.

Баъзилар бу қандай гап, ахир ўзи сурункали ёмғир ёғди, ҳамма ёқни зах босиб ётибди-ку, дейиши мумкин. Йўқ, халқимизда жуда яхши нақл бор. «Қирқ кунлик ёмғирдан, елиб ўтган сув яхши», деган. Жуда тўғри гап, фақат бу ишни ниҳоятда ҳушёрлик билан ўтказиш, сувни енгил оқизиш лозим. Биз суғоришни кундузи назоратчилар ёрдамида амалга ошираяпмиз.

Хуллас, бу йилги шароит деҳқонлардан бутун имкониятларини ишга солиб, тадбиркорона меҳнат қилишни талаб қилмоқда. Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги нишонланадиган йилда давлатга 3310 тонна сифатли хом ашё етказиб беришга аҳд қилган колхозимиз пахтакорлари ана шундай иш юритишмоқда ва мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратишмоқда.

Суҳбатни Н. ТЕМИРОВ олиб борди.

ТАЖРИБАКОРЛАР БИЛАН СУҲБАТ

КЎПЧИЛИК ТАНЛАДИ

• АМАЛДАГИ ДЕМОКРАТИЯ

КЎП ЙИЛЛАР давомида ёш авлодга таълим-тарбия беришда намуна кўрсатган, ўз-ўзига ҳамда бошқаларга талабчан, серғайрат, меҳрибон директор Уазифа Тўрабековани пенсияга кузатгач, Оржоникидзе номли 39-мактаб коллективи худди шундай меҳнаткаш раҳбар сайлаш ҳақида ўйлаб юрди. «Кремль» совхозида жойлашган бу билим даргоҳида камтарлиги, ишбилармонлиги ва инсонийлиги билан танилган кадрлар етарли эди. Улар орасида педагогик иш тажрибаси ўттиз, қирқ йилдан кўпроқ бўлган ўви истиқомат қилаётган хўжаликдаги ҳар бир хонадон турмуш тарзини, бирга ишлаб келаётган ҳамкасбларининг характери, хислатларини беш қўлдек биладиганлар ҳам оз эмасди.

Шунинг учун ҳам педагогик коллектив янги директор сайлаш пайтида ана шу фидокорлар орасидан энг муносибларининг номзодини кўрсатишда унчалик қийналмади.

— Мен аввало, етакчиларни эркин сайлаш ҳуқуқи яратилганидан беҳад мамнунман,— деди сўзга чиққан бошланғич синф ўқитувчиси Нарзулла Жонгелдиев.— Ўзингизга маълумки мактабимизда дарслар рус тили ва қозоқ тилларида олиб борилади. Бу ерда ҳар иккала миллат фарзандларига билим бераётган кишилар аллақачон бир оила фарзандларидек бўлиб кетишган. Айниқса, ўттиз йилдан буён сидқидилдан ўз бурчини ўтаётган Виктор Павлович Шепелевни ҳаммамиз яхши биламиз. У чуқур билимли муаллимгина эмас, ёшлар мураббийси ҳамдир. Мен яширин овоз бериш бюллетенига унинг номзодини киритишни тавсия қиламан.

Мажлисда сўз олган педагог Қорабек Толипов ҳам В. Шепелевнинг жонкуярлиги, болаларга жуда-жуда ғамхўрлигини таъкидлади.

— У география ўқитувчиси сифатида талабаларни жуда яхши ўқитади, ўз устида мунтазам ишлайди,— деди педагог.

— Бундай ишонч учун раҳмат,— дея сўз бошлади Виктор Павлович,— ўтирганларга миннатдорчилик билан қарар экан,— лекин маорифнинг бугунги талаблари ўзгариб кетди. Айниқса, директорнинг вазифалари кўпайди. У эндиликда фақат билимли. малакали бўлишидан ташқари ташкилотчи, ҳатто экономикадан, хўжалик юритишдан ҳам хабардор кадр бўлиш керак. Чунки ислоҳот меҳнаткаш инсонни тарбиялаш ва меҳнат билан боғлиқ муносабатларни кун тартибига анча жиддий қўйди. Шу сабабли мен ёшроқ педагоглардан сайлашингизни илтимос қилардим, саломатлигим ҳам унчалик яхши эмас.

Унинг бу таклифи иноватга олинган бўлса-да, лекин номзодини қолдириш тўғрисида фикрлар бўлди. Директорликка рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Любовь Ивановна Ермолова номзодини кўрсатган ўқитувчи Александра Алексеевна Резепкина шундай деди:

— Умримнинг қирқ йилини маорифга бағишладим. Ҳозир пенсиядаман. Бутун ҳаётий тажрибамдан шуни синадимки, раҳбар кексайганидан кейин ўрнини ёшроққа бергани маъқул. Чунки унда янгиликни илғаб олиш, ташаббускорлик, интилувчанлик кучли бўлади. Мен кўрсатаётган номзод бунга муносиб деб ҳисоблайман.

Л. Ермолова ҳақида бошқа сўзга чиққан ҳамкасблари педагогинг камтарлиги, ишчанлиги ва ширинсуханлиги ҳақида гапиришди. Аммо Любовь Ивановна коллективга бошчилик қилиши учун ташкилотчилик қобилиятини янада такомиллаштириш керак деган истаклар ҳам билдирилди.

Раҳбарлик лавозимига учинчи бўлиб номзоди кўрсатилган Турдиали Медавкаев номини у билан ҳамкорликда ишлаётган 37 нафар педагогнинг ҳаммаси ҳурмат билан тилга олади. Фақат ишдагина эмас, коллектив аъзоларининг тўйида, ташвишида бу педагог улар билан ёнма-ён. У ўн етти йилдирки, ўз ҳаётини мактаб билан боғлаган. Ўқувчилар педагогни софдиллиги, ўз фани — математикани пухта билиши, меҳрибонлиги учун севадилар. Катталар ҳам, ёшлар ҳам Турдиали Медавкаевичга юракларини оча оладилар. Шунинг учун бўлса керак, ёш ўқитувчи Дариха Қўчқорова «Ўртоқлар, мен Медавкаев директор бўлишини жуда-жуда истардим, инсон, педагог сифатида ҳам, оилада умр йўлдоши билан ўн фарзандни вояга етказаётган ота сифатида ҳам у бунга лойиқ деб ўйлайман».— деганда кўпчиликнинг чеҳраси ёришиб кетди.

Кейин Медавкаев ҳақида педагоглар — М. Карпова, И. Дуранов, С. Атамқулов, Н. Юрченколар ҳам самимий сўзладилар.

Шу куни кўпчилик овоз билан Турдиали Медавкаев директорликка сайланди.

С. ҲАСАНОВ.
Бўка райони.





● ЯНГИЙЎЛ районидаги «СССР 60 йиллиги» колхозининг Давлат Усмонов бошлиқ бригадаси аъзолари 60 гектар майдонда деҳқончилик қилишади. Пахтакорлар бу йил ҳосилдорликни гектар бошига пландаги 31 центнер ўрнига 35 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Суратларда: (ўнгда) ниҳолларга иккинчи ишлов бериляпти; моҳир механизатор Ўктам Усмонов.

А. Зуфаров фотолари.

ЛОҚАЙДЛИК ГИРДОБИ

МАҚОЛАСИ МУҲОКАМАДА

ТОҒЛАР ҲАМ БОҒЛАРГА МАҲТАЛ

ХАЛҚИМИЗнинг маданий ва маиший турмуш даражаси яхшиланиб бораётганлиги туфайли саёҳатга бўлган талаби ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Буни Бўстонлиқ оромгоҳлари мисолида яққол кўришимиз мумкин. Айниқса, Чорвоқ сув омбори зонасида ва Чимёнда меҳнаткашларнинг дам олиши актив ташкил этилган. Келгусида эса Угом-Чотқол тоғларидан шу мақсадларда янада унумли ва оқилона фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Натижада тоғ ландшафти ва табиат «қўли» билан яратилган гўзал бойликлар кўриқланиб, меҳнаткашларнинг мароқли дам олишлари учун барча имкониятлар яратилади. Буни эса мевали боғларсиз тасаввур қилиш қийин.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда областимиз тоғлари мевачилиги билангина эмас, балки, меҳмондўст аҳолиси, сўлим оромгоҳлари, юмшоқ иқлими, ранг-баранг ер усти қиёфаси, шўх оқар сойлари, мафтункор кўллари, зилол сувли булоқлари, келинчакнинг сочидек буралиб тушувчи тарам-тарам шарашаралари, нафис тошли ғаройиб ғорлари, шаклдор қоялари, археологик ва тарихий ёдгорликлари билан ҳам табиат шайдоларини ўзига чорламоқда.

Табиатни севувчи ҳар бир киши тоғ бағрида ҳордиқ чиқарар экан, атроф манзараларидан завқ олиши билан бирга тоғнинг бебаҳо неъматларидан тотиб кўргиси келади.

Агарда Оқтошсой, Қайнарсой, Сижжаксой, Наволисой каби водийларни кезсангиз ўзгача бир дунёга келиб қолгандек ҳис қиласиз ўзингизни. Айниқса, ёнғоқ, олма, тоғолча каби сервитамин мевалар теварак атрофни қоплаб ётганлигидан беҳад қувонасиз, завқ оласиз.

Лекин областимиз тоғларидаги дарё ва сой водийлари бўйларини йигирма йилдан бери кезиб, уларнинг ер усти ва ер ости қиёфасини, булоқларини ўрганиш жараёнида унумдор, лекин мевасиз ерларни кўриб «лоқайдлик гирдоби»га кўп маротаба дуч келганмиз.

Мисол учун табиат мўъжизаси «санитар» дарахт — юнон ёнғоғини олайлик. Ўсимликлар оламида у инсон учун энг фойдали дарахт ҳисобланади. Чунки ёнғоқ фақат хўжаликдагина эмас, балки саноатда ва медицинада ҳам ғоят аҳамиятлидир. Мутахассислар унинг қувватини нонга таққослаб кўришганда уч марта, картошкадан етти марта, сутдан ўн марта, олмадан ўн икки марта, нокдан ўн уч марта ортиқ экан.

Мутахассис олимларнинг фикрича табиий ёнғоқзорлар бундан бир неча юз йиллар илгари ҳам денгиз сатҳидан 800—1800 метр баландликдаги тоғ ёнбағрларида ўсган экан. Ҳозир эса унинг асосий ўрмонлари 900—1300 метр баландлик орасидаги майдонгагина сақланиб қолган, холос. Бунга маҳаллий аҳолининг хўжалик фаолиятидаги хатоликлар асосий сабаб бўлмоқда. Шунинг натижасида Боғистон қишлоғидаги Мозорсой ва Афғонсойдаги ажойиб ёнғоқзорлар тўнказорга айланиб қолган. Бу ҳолат бир авлод кўз ўнгида содир бўлганлиги жуда ачинарли ҳол, — дейди география ўқитувчиси Алижон Жўраев, — тоғлардаги ёнғоқ каби дарахтларнинг кўплаб кесилганлиги сойларда содир бўлиб турадиган сел ҳодисасининг, тупроқ эрозиясининг янада кучайишига, булоқларнинг камсувлигига сабаб бўлган. Чунки, яшил дарахтзорлар ва уларнинг томирлари ёғин сувларини ўзида қисман тутиб қолади ва уни ер остига сингдириб, тупроқ қатламининг ювилишини олдини олади. Натижада жарликлар ва суриламалар содир бўлмайди, булоқлар кўзи эса беркилмайди. Яна бир ачинарли факт: одамларнинг гувоҳлик беришича, тоғларимизда бундан 100—150 йил муқаддам мазкур ўраларда писта кўмир тайёрлаш жуда ривожланган экан. Маълум бўлишича, уни тайёрлашда ёнғоқ дарахтидан кенг фойдаланилган. Демак, уларни экиб кўпайтиришдан кўра кесиш кўпроқ содир бўлган. Бунинг асосий сабаби аҳоли сонининг ортиши туфайли ёқилғига бўлган талабнинг кучайишидир.

Бундан чиқадиган хулоса шуки, маҳаллий аҳолини ўтин ва кўмир билан таъминлашни янада яхшилаш керак. Ана шунда кўплаб мевали дарахтларни асраб қолиш имконияти туғилади.

С. Калмиков маълумотига кўра Бўстонлиқ ёнғоқзорларидан бир йилда олинадиган ёнғоқнинг ялпи ҳосили атиги 250 тонна атрофида экан. Бу, албатта, жуда ҳам оз.

Нанайлик Жума ота Мираҳмедовнинг бундан ўн йилча муқаддам Ахсарсойда бунёд этган боғини кўрсатиш мумкин. Агар сиз Ахсарсойга йўлингиз тушиб, чап ирмоғи Боқимсой рўпарасидан юқорига кўтарилсангиз тоғ тепасидаги супасимон террасаларда бунёд этилган тутзорни кўриб унинг яратувчисига қойил қоласиз. Жума ота оила аъзолари билан дастлаб иш бошлаганда айрим раҳбарлар бу хайрли ишнинг муваффақиятли тугашига ишонишмай қарашганди. Ота Ахсарсойнинг юқори қисмидан — афсонавий Фарҳод каби тоғ ўн бағридан ариқ қазиб, бу ерга сув келтиргач, унга не қийинчиликлар билан тут кўчатлари берилиб, ойлик иш ҳақи тайинланган эди. Ота ниятига етди. Боғдаги тут қатор ораларига турли экинларни ҳам экиб, юқори ҳосил олишга эришди.

Демак, келгусида областимиз ифтихорига айланадиган Угом-Чотқол тоғларида тутзорларни кўпайтириш фақат пиллачиликни ривожлантирибгина қолмай, балки, маҳаллий аҳолини ва дам олувчиларни шифобахш тут меваси билан ҳам таъминлаш имконини яратган бўлур эди. Шифокор Қ. Ризаев айтганидек, икки дона тут меваси-нинг бир флакон витамин уколидан устунлиги ҳам бу ерларда тутзорларни кўпайтиришни тақозо этади. Ўқувчи, студент ва меҳнаткашларнинг тоққа келишдан асосий мақсади ҳам ўз саломатлигини мустаҳкамлаш, тиклашдан иборатдир.

Мавжуд олмазорлар майдонини янада кенгайтириш учун, айниқса, Писком дарёси ҳавзасидаги айрим террасаларда барча табиий қулайликлар ва меҳнат ресурслари мавжуд. Атроф тоғлардан югуриб тушиб, Писком ўз сувини ҳадя қилувчи Харамзодасой, Бодақсой каби сойларнинг сувидан шу атрофдаги бўш ётган «пичанзор»ларни суғоришда фойдаланиш мумкин. Бу ўринда тоғ ортидаги Угом водийсининг Қозоғистонга қарашли қисмида ташкил қилинган мафтункор олмазор ва ноксорлардаги серҳосил навлар ва эришилаётган ютуқлар билан обдон танишиш фойдадан ҳоли эмас.

Айтишларича Ҳиндистон тоғ водийларидан бирида яшовчи Хунза қабиласининг аъзолари юз ёшдан ортиқ яшаб, шу ёшда ҳам фарзанд кўришар экан. Бунинг сирини текширган олимлар, уларнинг узоқ яшашига асосий сабаб жисмоний меҳнат, тозалик ва улар доимо истеъмол қиладиган ўрик экан, деган хулосага келганлар. Ваҳоланки, бизнинг тоғларимизда, «Лоқайдлик гирдоби»да афсус-надомат билан айтилганидек, не машаққатлар билан барпо этилган ўрикзорлар топталиб, от қўйилмоқда. Ваҳоланки, агарда қунт, ҳафсала, ихлос бўлса аҳоли пунктларидан юқорироқдаги айрим тоғ қияликларида ўрикзор майдонларни барпо этиш учун ҳам барча шароитлар мавжуд. Тоғ ёнбағриларидаги Оҳактош каби жинслар сатҳи кўпинча унумдор тупроқ қатламлари билан қопланган бўлиб, ўрикзор ташкил қилиш учун қулайлигини қуйидаги мисолдан кўриш мумкин: Оқсоқотасойнинг юқори қисмида бир вақтлар кон қазиш ишлари олиб борилган жойда экиб қолдирилган ўриклар ҳосили мўллиги ва таъминнинг тотлилиги жиҳатдан кишини ўзига мафтун этади. Кимсасиз тоғ тепасидаги бу «мўъжиза»га тўсатдан дуч келган киши йўл чарчоғини ҳам унутиб бир олам қувонади, ундан тўйиб тановул қилади. Текисликдаги ўриклар аллақачон пишиб тугаган август ойида шаҳарлик табиат ошиғи учун бу ажойиб инъом эмасми?!

Умуман олганда геолог ва географлар назарида ҳам областимизнинг ҳусндор тоғларига ҳол бўлиб тушувчи лалмикор ўрмончиликни, боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Айниқса, «Ўзбекистон Швейцарияси» бўлмиш Бўстонлиқ ўз номига яраша бўлиши керак.

Областимиз тоғларининг келгусида йирик мевачилик базасига айлантирилиши тарафдоримиз. Фақат лоқайдлик бўлмаса, бас!..

Исмоил ОТАЖОНОВ,
Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг гидрогеология ва инженерлик геологияси институти илмий ходими, СССР География жамиятининг ҳақиқий аъзоси.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •


НИКАРАГУАДАГИ ВАЗИЯТ

● БУДАПЕШТ, 28 май. (ТАСС). Марказий Америкадаги танглик Америка империализмининг ана шу региондаги халқларнинг ички ишларига очиқдан-очиқ аралашиши оқибатида юз берган, деди Никарагуа президенти Даниэль Ортега. У «Непсабадшаг» газетаси мухбирининг саволларига жавоб қайтариб, халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этилган ва АҚШ ўзининг тажовузкорлик сиёсатини тўхтатган тақдирдагина тангликни ҳал қилиш мумкинлигини уқтирди.

1981 йилдан 1987 йилга қадар 40 мингдан ортиқ никарагуалик, шу жумладан аёллар ва болалар Америка агрессияси қурбони бўлдилар. Вашингтон ўтказаётган терроризм сиёсати натижасида никарагуалик 9 мингдан ортиқ бола етим қолди, 250 минг деҳқон бошпанасидан маҳрум бўлди, деб таъкидлади Д. Ортега.

Қамоққа олинганларнинг 40 проценти—болалар

● ХАРАРЕ, 28 май. (ТАСС). Ўтган йилнинг 12 июнида фавқулодда ҳолат эълон қилингандан буён мамлакатда қамоққа олинган Жанубий африкаликларнинг салкам 40 проценти болалардир. Йоханнесбургдаги болалар учун ҳайрия ташкилоти директори Аделе Томас шуларни айтди. Жаҳон черковлари кенгашининг маълумотларига қараганда, сўнгги тўрт йил ичида Жанубий Африкада 10 ёшдан 18 ёшгача бўлган 10 мингдан ортиқ ўсмир суд ва тергов қилинмай, қамоққа ташланган. Тўрт минг бола ҳамон қамоқда сақланмоқда. Уларнинг энг кичиги 11 яшар, 115 кишн 12 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўсмирлардир.



● АФҒОНИСТОН Демократик Республикасида кооператив ҳаракати жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатда 500 дан ортиқ кооператив хўжаликлар ишлаб турибди. Кооперативлар аъзолари мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашмоқда. Суратда: Кобул вилоятидаги «Деҳқон» кооперативи аъзоси бинокор Муҳаммад Маруд.

Л. Портер фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

ЭРОНГА ТАҲДИД

● ВАШИНГТОН, 28 май. (ТАСС). АҚШ президенти Рональд Рейган Оқ уйда еттита саноати ривожланган мамлакатлар телевизион журналистлари группаси саволларига жавоб қайтариб, яна Эрон шаънига дўқ-пўписа қилди. Президент Қўшма Штатлар Эронга қарши ҳаракатларида қай даражага бориши мумкин деган саволга жавоб қайтариб, Қўшма Штатларнинг «ҳаракатлари мудофаа тусида бўлади» деб таъкидлади.

Шу билан бирга Америка-нинг оммавий ахборот воситалари Эронга қарши «жавоб ҳаракатлари»нинг вариантларини келтирмоқдалар. Чунончи, Эй-Би-Си телекомпанияси Америка ҳарбий манбаларига таяниб, Эроннинг Бендер-Аббос порти ҳамда Эрон территорияси ичкарисидаги ҳарбий аэродромлар бомбардимон қилиниши мумкинлигини таъкидламоқда.

АҚШ президенти берилган саволлардан бирига жавоб қайтариб, Эронни «ваҳшийлар мамлакати» деб атади.


ОДАМФУРУШЛАР

● РИМ, 28 май. (ТАСС). Неаполь яқинидаги Вилла-Мажор хусусий клиникасида янги туғилган чақалоқнинг йиғиси эшитилиши биланоқ ҳар сафар 22 киши, шу жумладан уч врач ишга киришарди. Бўлмасачи! Пул ишлаб қолиш учун катта имконият бу. Товар эмас, балки болалар сотилса ҳам ҳечқиси йўқ. Энг муҳими — пул.

Пул эса уларнинг чўнтагига тўхтовсиз оқиб келарди. Икки йил ичида замонавий «одамфурушлар» камида ўнта битим билан 50 миллионга яқин лира ишлаб олдилар. Бунга қандай муваффақ бўлишди? Бу кўнгилсиз ишни текшираётган терговчилар ҳам ҳайрон қолмоқдалар; жиноий группа структураси жуда пухта ўйланган бўлиб чиқди. Италиядаги бир қанча шаҳарларда, шу жумладан Римда «воситачилар» ҳаракат қилганлар. Уларнинг зиммасига керакли харидорларни қидириб топиш вазифаси юклатилган. Одатда бефарзанд оилалар шундай харидор бўлганлар.

...Жиноятчилар шайкаси қамоққа олинди. Фақат олти нафар «воситачи» эркинликда юрибди, уларнинг полиция кўлидан қандай чиқиб кетганлиги номаълум. Чақалоқлар билан савдо қилувчилар энди харидорларга ўз хизматларини таклиф эта олмайдилар.

1 ИЮНЬ—ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ



БОШИМИЗДА ЎИНАР НУР

Осуда мамлакатда
Қувнаб-қувнаб яшаймиз,
Келажакда ҳаётда
Дадил қадам ташлаймиз.
Ҳамма бизга меҳрибон,
Бахтимиз жуда улкан,
Орзулар-у ниятлар
Тоғдан ҳам ошиб кетган.
Осмонимиз беғубор,
Бошимизда ўйнар нур,
Бунинг учун минг-минг бор
Партияга ташаккур!

А. Тўраев фотоэтюди.

МЕҲРБАХШ ЙИЛЛАР

● ДУНЁДАГИ барча кичкинтойлар сингари болалар уйининг тарбияланувчилари ҳам меҳмонларни чексиз қувонч билан қарши олишади. Яқинда Ҳамза районидаги 21-болалар уйининг тарбиячиси Р. Ибодова уй вазифаларини бажариб бўлган болалар ҳузурига кириб, кўпинча байрам пайтларида тўпланадиган залга таклиф қилганда, улар севиниб кетишди...

Зал тарбияланувчилар билан лиқ тўлгач, саҳнага соч-лари оқарган киши чиқиб, гап бошлади:

— Биз сизларни 40—80-йилларда Ўзбекистондаги болалар уйининг тарбияланувчилари ва ходимлари билан учрашишга таклиф қиламиз. У халқ ижодиётининг II Бутуниттифоқ фестивали доирасида ўтказилиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланади. Сизларга катта авлод вакиллари ўзларининг қизиқарли тақдирлари ҳақида сўзлаб беришади...

Шундан кейин у биринкетин меҳмонларни болаларга таништирди. Сўнгра тинчлик, дўстлик, бахтли болаликка бағишланган куй-қўшиқ ва рақслар янгради.

Ўзбекистон ССР халқ артисти И. Юсупов, Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати В. Киселев, М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси опера студиясининг хор раҳбари Д. Қурбонова, шоир Б. Пак, Тошкентдаги болалар уйининг директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи А. Хлебушкина, Успенский номли мактаб-интернат духовой оркестрининг раҳбари Е. Гуляев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи П. Нуғмонов, 20-болалар уйининг собиқ тарбиячиси Р. Григорьянц ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ёш авлод тарбиясига жуда катта эътибор билан қараётгани, болалар уйида турли даврда камолга етган ёшлар эндиликда мамлакатимизнинг актив граждалари бўлиб етишганлиги хусусида ҳаяжон билан сўзладилар. Сўнгра Сирдарё, пойтахт областлари ва Тошкент шаҳрининг бадиий ҳаваскорлик коллективлари ҳамда республикамизнинг етакчи санъат усталари ижросида катта концерт намойиш қилинди.

С. МАНСУРОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, Тошкентдаги 20-болалар уйининг собиқ тарбияланувчиси.



● СУРАТДА: болалар уйида учрашув онларидан бир лавҳа.

В. Когай фотоси.

ГЎДАК КУЛГУСИДАН ЯШАРАР ОЛАМ...

РЕСПУБЛИКА акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти биноси эрталабданоқ одамлар билан гавжумлашади. Бу ерга ташриф буюрувчиларнинг кўпчилиги аёллардир. Уларнинг институтга келишларидан ягона мақсадлари: фарзандли бўлиш. Иккинчи қаватда жойлашган «Оила ва никоҳ» консультация-поликлиникаси врачи О. Малькина қабулига кириш учун навбат кутиб ўтирганларнинг кети узилмайди.

— Биздан нажот истаб келувчи аёлларга оналик бахтини насиб этиш учун қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз,— дейди биз билан суҳбатда клиника бош врачи Х. А. Мирзаева.— Масалан, «Оила ва никоҳ» консультация-поликлиникасига бир йилда 35 мингдан ортиқроқ аёллар мурожаат этадилар. Шуларнинг 56 процента қишлоқ аёлларидир. Биз, аввало, уларнинг оилавий шароити ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишимиз керак. Шундан кейингина аёлни комплекс медицина назоратидан ўтказиб, унинг бола кўриши ёхуд кўрмаслиги сабабларини аниқлаймиз. Керакли муолажа, дори-дармонлар тавсия этамиз. Н. Рафиқова, Н. Непомнящая, Л. Захарова каби врачларимиздан кўпчилик мамнун. Улар ўзларининг хушмуомаласи, тажрибаси ва билими билан аёлларнинг она бўлишлари учун ёрдамлашмоқдалар. Натижада бизга мурожаат қилган аёлларнинг деярли 80—90 процента она бўлмоқдалар. Демак, меҳнатимиз зое кетмаяпти — биз шифокорлар учун энг муҳими шу.

1974 йилда ташкил этилган мазкур институтда назария ва клиника қисми мавжуд бўлиб, биринчи қисмда ирсият билан боғлиқ ҳодисалар, оила ва никоҳ масалалари, бола кўрмасликнинг олдини олиш ва даволашга оид илмий ишлар ишлаб чиқилади. Ана шу илмий хулосалар, кашфиётлар клиникада амалга оширилади. Институтда патология, гинекология, реанимация, физиотерапия, генетик консультация, қон қуйиш каби қатор бўлимлар ишлаб турибди. Бу ерда ҳар ойда 270—300 нафар чақалоқ дунёга келмоқда. 67 нафар олий маълумотли врач ва 193 нафар ўрта медицина ходимлари малакали медицина хизмати кўрсатиб ишлашга интиляптилар. Зотан улар фарзанд билан олам чарогон эканлигини яхши биладилар.

Г. ИЎЛДОШЕВА.

ОРОМГОҲЛАР КУТМОҚДА

● МАКТАБЛАРДА сўнгги қўнғироқ чалиниб, ўқувчиларнинг ёзги каникули бошланди. Ҳадемай сўлим тоғ ёнбағирлари ва мовий денгиз бўйларидаги пионер лагерлари ўғил-қизлар билан гавжумлашиб кетади.

Бу йилги мавсумда 45 минг пионер ва ўқувчи областимиз лагерларида бўлади.

— Июнь ойида 500 дан ортиқ пионер лагерлари ёш гражданларни ўз бағрига олади, — дейди область касаба союзлари Совети инструктори Н. А. Лопатюк, — Ўрта Чирчиқ ГЭСлар тизмасининг Чорвоқдаги «Бригантина», «Средазнефтегазстрой» трестининг Юсуфхонадаги «Чотқол» пионер лагерлари бу йил биринчи марта фарзандларимизни қабул қилиб олади. «Средазэнергоцветмет» корхонасининг Тошкент денгизи бўйида қурилган пионер лагерида ҳам пардозлаш ишлари ниҳоясига етди.

Қатор пионер лагерларида болаларнинг уч сменада эмас, балки тўрт сменада дам олишлари ташкил этилади. Бу мавсумда 44 жойда янги усул қўлланади. Шунда пионер лагерлари ўтган йилга нисбатан 15 мингдан кўп ўқувчини бағрига олади.

Оилавий дам олишларга ҳам катта эътибор билан қаралмоқда. Область касаба союзлари Совети бу борада бир қатор тадбирлар тузиб амалга оширди. Корхона, ташкилотларнинг санаторий-профилакторийларида ота-оналар билан болаларнинг бирга дам олишлари учун шароитлар ҳозирланди. Ишчи-хизматчи меҳнат отпускасида ҳам, ундан ташқари вақтда ҳам санаторий-профилакторийда фарзандлари билан ҳордиқ чиқара олади. Ўғил-қизларидан кўнгиллари тўқ бўлиб ишга бориб келаверадилар. Мактаб ёшидаги ўқувчилар тарбияси ва соғлиғи билан педагог ҳамда медицина ходимлари шуғулланишади. Бундай тажриба Олмалиқ кон-металлургия, Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатлари, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбекшахтострой», 160-қурилиш трестлари ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар санаторий-профилактория л р и д а қўлланилмоқда.

Ёзги таътилда областимиздаги 6 та пионер лагерида минг нафарга яқин афғонистонлик пионерлар ҳам ҳордиқ чиқаришади.

Бу йил пионер лагерларининг моддий базасини мустаҳкамлаш, тарбиявий-соғломлаштириш ишларини олиб бориш учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги, Бутуниттифоқ пионерлар ташкилотининг 65 йиллиги, «Артек»да ўтадиган пионерларнинг IX Бутуниттифоқ слёти муносабати билан пионер лагерларида тарбиявий ишлар ҳар қачонгидан ҳам қизғин тус олади.

Б. ПЎЛАТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги

БУТУНИТТИФОҚ РАҲБАР ХОДИМЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ
ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ

кафедралар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: (фан доктори, профессорлар, фан кандидатлари, доцентлар): сув хўжалиги қурилиши ва қурилиш индустрияси, экономика ва хўжалик механизмини такомиллаштириш, суғориш тармоқлари эксплуатацияси ва ремонти, сувдан оқилона фойдаланиш ва сув муҳофазаси;

профессорлар (фан доктори, профессор): сув хўжалиги қурилиши ва қурилиш индустрияси (0,25 ставка);

доцентлар (фан докторлари ва кандидатлари, доцентлар): экономика ва хўжалик механизмини такомиллаштириш (2+0,5 ставка), сув хўжалиги қурилиши ва қурилиш индустрияси (2+0,25 ставка), суғориш системалари эксплуатацияси ва ремонти—ремонт-эксплуатацияси ишлари технологияси ва механизацияси ихтисоси бўйича (2), суғориш системалари эксплуатацияси ихтисоси бўйича (0,5 ставкадан 2 ўрин); сувдан оқилона фойдаланиш ва сув муҳофазаси (1+0,25 ставка);

катта ўқитувчилар: экономика ва хўжалик механизмини такомиллаштириш — хўжалик механизмини такомиллаштириш дарслари бўйича, меҳнат ва хўжалик ҳуқуқи, сувдан оқилона фойдаланиш ва сув муҳофазаси.

Конкурс муддати — 13 июнгача.

Ҳужжатлар юбориш учун адрес: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Маяковский кўчаси, 6-уй, директорга.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Тошкент область матбуот жамиятининг
ТОШКЕНТ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1987-1988 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ХОМ АШЁЛАРИ, АВТОМОБИЛЬ ҲАЙДОВЧИСИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СОТУВЧИСИ, ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ СОТУВЧИСИ, ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА САНОАТ МОЛЛАРИНИНГ СОТУВЧИСИ, САНОАТ МОЛЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА КОНТРОЛЁР-КАССИР, ОШПАЗЛАР (IV разрядли), ОШПАЗ-ОФИЦИАНТЛАР, ҚАНДОЛАТЧИЛАР, ҚАНДОЛАТЧИ-НОВВОЙЛАР.

БИЛИМ ЮРТИ «УЗБЕКБИРЛАШУВ» ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР МАТЛУБОТ ЖАМИЯТЛАРИДА ИШЛАЙДИГАН МАЛАКАЛИ ИШЧИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

ЎҚИШ МУДДАТЛАРИ: ошпазлик касби бўйича—3 йил (8 синф) ва 1 йил (10 синф); ошпаз-официант (10 синф)—2 йил; қандолатчилик 3 йил (8 синф); қандолатчи-новвойлар —2 йил (10 синф); озиқ-овқат ва саноат моллари сотувчиси касби бўйича 3 йил (8 синф); қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сотувчиси—1 йил (10 синф); қурилиш материалларининг сотувчиси — 1 йил (10 синф); саноат молларини сотиш бўйича контролёр-кассир — 1 йил (10 синф); қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хом ашёларини тайёрловчилар ҳамда автомобиль ҳайдовчилари (III-класс) касби бўйича — 1,5 йил (10 синф).

БИЛИМ ЮРТИГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ДАН 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ:

Танлаган касби кўрсатилган ва ўқишга қабул қилиш ҳақидаги ариза билим юрти директори номига ёзилади.

Ариза қуйидаги ҳужжатлар билан бирга топширилади: етуклик аттестати ёки гувоҳноманинг асли ва нусхаси, медицина справкаси (086/У форма), 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда), меҳнат дафтарчаси (ишлаганлар учун), область, район ёки қишлоқ матлубот жамиятининг йўлланмаси, турар жойидан справка, охирги 6 йил давомида юқумли касалликлар билан касалланмаганлиги тўғрисида справка.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ КОМИССИЯСИ 15-27 АВГУСТ КУНЛАРИ ИШЛАЙДИ.

Қабул қилинганлар қуйидаги миқдорда стипендия билан таъминланадилар: ошпаз-официантлар, қандолатчи-новвойлар, тайёрловчилар учун ойига 70 сўм, сотувчилар, кандолатчилар ва ошпазлар учун 32 сўм.

Қизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРИТИЛАДИ.

Аъло баҳода битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига киришда ўрта мактабни олтин медаль билан битирганда бериладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР ТАНЛАГАН КАСБЛАРИ БЎЙИЧА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Матлубот жамияти ходимлари қаторини тўлғазиб, халқ учун хизмат қилишни истаганларга Тошкент область матлубот жамияти ўрта ҳунар-техника билим юртининг эшиклари очиқ.

Адрес: 700056, Тошкент шаҳри, Путилов кўчаси, 210-«а» уй (вокзалдан 16-автобус, Олой бозоридан 89-автобусларда «Касб касаллиги шифохонаси» бекатигача борилади). Телефонлар: 67-72-13, 67-72-93.

Спорт

САФАРДА ЯНА МАҒЛУБИЯТ

«Пахтакор» футболчилари чемпионатнинг навбатдаги ўйинини Ростов-Дон шаҳрида маҳаллий «Ростсельмаш» командаси билан ўтказиб яна мағлубиятга учрадилар. Бу сафар улар 0:2 ҳисобида ютқазишди. Бу — пахтакорчиларнинг сафардаги бешинчи мағлубиятидир. Ўн учинчи турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» (Ст) — «Помир» — 2:1, «Даугава» — «Локомотив» 0:1, «Черноморец» — «Крылья Советов» — 2:1, АСК «Карпати» — «Геолог» 2:0, «Факел» «Котайк» — 1:0, «Ротор» — «Спартак» — 1:1, «Колос» — АСК (Р) — 2:1, «Металлург»— «Кузбасс» — 1:1.

ЗАРКЕНТЛИКЛАР КУБОК СОҲИБИ

Областимиз колхоз ҳамда совхоз футбол командалари ўртасида ўтказилган «Оқ олтин» кубоги учун футбол мусобақалари ниҳоясига етди. Унда Паркент районидаги Заркент қишлоғи «Ленинобод» совхози футболчилари финалда Оққўрғоннинг «Алимкент» командасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кубок соҳиби бўлдилар.

ТАСС АХБОРОТИ

Аэрофлотнинг АН-2 самолёти 27 май куни Швецияга олиб қочилди.

1963 йилда туғилган, 1985 йилда Аэрофлотдан бўшатилган кейинги икки йил мобайнида меҳнатсиз даромадлар ҳисобига яшаб келган Свистунов шундай жиноий ишни қилди.

Совет томони Швеция маъмурларига мурожаат этиб, жиноятчини тутиб бериш, шунингдек самолётни ва унинг ичидаги мол-мулкини қайтариб бериш тўғрисида илтимос қилди.

(ТАСС).

• ГАЗЕТХОНЛАР МУЛОҲАЗАЛАРИ

Хато қилмоқ одамга хос хусусиятдир.
Хатосини англаб огоҳ тортган саодат эгасидир.
Алишер НАВОИЙ.

Ҳурматли газетхон, бу ўгитларни эслатиб ўтишимизнинг боиси бор. Хабарингиз бўлса, «Тошкент ҳақиқати»нинг шу йил 16 апрель сонида одоб-ахлоқ мавзусида юқоридаги сарлавҳа билан мақола босилган эди. Шундан буён орадан бир ойдан ошиқ вақт ўтди. Бу орада биз жой талашиб она дардини оширган Назирбой ва унинг умр йўлдоши Хатира опа ўз хатоларини тушуниб, она пойига бош эгиб, тавба-тазарру айтиб келишларини кутдик. Лекин, минг афсуски, улар мақоладан ўзлари учун хулоса чиқаришмаганга ўхшайди.

Бу давр ичида областимизнинг турли жойларида яшаб, меҳнат қилаётган турли ёшдаги, касбдаги газетхонлардан мақола ҳақида ҳамон кўплаб хатлар келиб турибди.

* * *

— «Онаизор озор чекмасин» мақоласини ўқиб ўзимни тута олмадим, юрагимда худди найза санчгандек оғриқ сездим, — деб ёзади тошкентлик меҳнат ветерани Ҳафиза опа Илҳомова.— Назирбой ака ёш бола эмаску, азиз ва меҳрибон она қалбига шунчалик озор берса. Хатира опачи? Ахир у киши аёл — она-ку. Наҳотки она қалбини, оналик меҳр-муҳаббатини оёқ ости қилса? Ҳали ҳам кеч эмас, узр сўранг, оналарнинг бағри кенг, ҳамиша кечиришади.

— Бир донодан фарзандда онанинг нечта ҳақи бор?—деб сўрашибди. Доно жавоб берибди: онанинг фарзандда учта ҳақи бор.

— Биринчи ҳақи — 9 ойу, 9 кун қорнида кўтариб юргани учун, иккинчи ҳақи — кўзи ёриганда ўлим билан олишиб тўлғоқ азобини тортгани учун ва ниҳоят учинчи ҳақи — фарзанд 3—4 ёшга тўлгунча оқ сутини бериб, оқ ювиб-оқ тарагани учун.

Оналарнинг ана шу ҳақларидан лоақал бирортасини узолган фарзанд саодат эгасидир. Шундай экан, биз фарзандлар неча ёшга кирмайлик оналар олдида ҳамиша қарздормиз. Арзимас жой талашиб она дилига озор бериш ўта нонкўрликдир, — республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Абдуфаттоҳ ота Набиҳўжаев редакцияга йўллаган хатида ана шундай ибратомуз жумлаларни ёзибди. Бизнинг ён қўшнимиз Гулбиби холанинг 3 ўғил 2 қизи бор, — деб ҳикоясини давом эттиради Абдуфаттоҳ ота, — катта ўғилларини Мирзабой билан Эркинбой ҳовлини укаси Тўлқинга қолдириб, ўзлари бошқа жойдан жой қилиб чиқиб кетишган. Гулбиби хола ҳозир 82 ёшда. Кенжа ўғли билан шу ҳовлида яшайди. Ўғилларини Мирзабой, Эркин, қизлари Лутфи, Нури она бошида парвона. Ўтказгани жой топишолмайди. Дунёда мана бунақа она-болалар бор, Назирбой иним. Сен бўлсанг, 90 ёшли онангни жой талашиб не кўйларга солибсан. Ҳайф сендек фарзандга...

Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг аъзоси Олим Раҳимбердиев Назирбойга танбеҳ бўлсин учун 1982 йилда дунёдан ўтган она хотирасини эслаб, афсус билан ушбу сатрларни қоғозга туширади:

— Менинг онам 3,5 йил хасталик тўшагида ётиб, 74 ёшларида вафот этдилар. Икки йилгача эркак бошим билан онамга ўзим қараб, парвариш қилиб турдим. Ўша бетоблик кезларида онамнинг таралганда тўкилган бир тутам сочларини деворга яшириб қўйган эдим. Ҳафа бўлган ёки хурсанд бўлиб кетган вақтларимда онам сочи толаларини олиб кўзларимга суртиб ўпаман. Гоҳида, онамга қаттиқроқ гапириб, ранжитиб қўймадиммикан? деб эслаб, озор чекаман. Сенчи Назирбой? Табаррук ёшга кирган она ни ғутиб туролмадим, — ҳаяжон билан қўлига қалам олган хўжакентлик ишчи Носир Садиров ўз таассуротини шундай бошлайди, — мақолани ўқиб чиқдим-у, дилимда Назирбойга нафрат уйғонди, кўзимда ёш қалқиди. Шу топда мен дунёдан ўтган онам сиймосини кўз олдимга келтирдим. Мен ўзимга-ўзим савол ташладим. Ўш, мен фарзандлик бурчимни қандай ўтаганман? Онамнинг дилига озор етгудек иш қилганманми?

Йўқ, бетоб бўлиб ётган онамни олиб бормаган жойим, кўрсатмаган шифокорим қолмади. Уйда ёлғиз бир сўз билан эмас, она қалбини тамоман парчалаб юборибсиз. Уй-жой деб она дилини яралабсиз. Сиз ота, хотинингиз она, Қариган чоғингизда ўзингизнинг онангиз ўрнига қўйиб кўринг. Танангизда жон бўлса, дўппигизни олиб ўйлаб, қиёслаб кўринг. Онангиз сиздан эмас, сиз онангиздан умрбод қарздорсиз...

Уй-жой топасиз, онангизни олтин-зар бериб ҳам тополмайсиз. Уни ҳаётлигида иззат-икром қилинг, иззат топасиз. 90 йиллик умр ортда қолди. Бундан буёғига иззат-ҳурмат, парвариш керак. Бир оғиз «онажон яхши ўтирибсизми?» деган сўз у зотнинг дилини равшан қилади.

Назирбой ҳали ҳам кеч эмас, волидангиз оёғига бош қўйиб кечиринг сўранг...

Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, шахсий пенсионер Фахриддин ака Нуриддинов ўз мактубида газетхонларнинг ана шу истакларини қувватлаб, **Назирбой Тожибоев** ва унинг умр йўлдоши Хатира опаларга шоир Абдураҳмон Жомийнинг қуйидаги байти билан жавоб қилади.

Онангдан бош товлама,
Ошмасин дарди.
Шараф тожи эрур,
Оёғин гарди.

Назирбой, халқимизда дўст ачитиб сўзлайди деган гап бор. Инқилганда турғазиб қўйиш, адашганда тўғри йўлга солиш — бу чин дўстнинг иши. Дўстларинг — янгийўллик Зокир Султонов, Пўлат Мўминов, оққўрғонлик Абдулазиз Эшматов, Калинин районидан У. Каримов, Тошкентлик халқ маорифи аълочиси Х. Мовлоновлар куюнчаклик билан шу фикрни билдиришяпти.

«ОНАИЗОР ОЗОР ЧЕКМАСИН»

МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг клиник руҳий касалхонаси коллективи касалхона врачи Н. Н. Абдуназаровга рафиқаси

Муҳаббат АБДУНАЗАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия комитети, касаба союз ташкилоти ҳамда музика-педагогика факультети коллективи овозни созлаш кафедрасининг катта ўқитувчиси Ж. С. Садировга отаси

Жалил КАРИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

Издается на узбекском языке

Редакция адреси:
700083, ГСП, Тошкент
Ленинград кўчаси, 32

Р. 08775. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64684. В. 1582. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12